Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 136 (8126). | 20 июль, 1983 йил, | ЧОРШАНБА | Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

ШУ КУНЛАРДА ҒЎЗАНИ ШАРБАТ УСУЛИДА СУҒОРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИНГ • ҲАР СУҒОРИШДАН СЎНГ ҚАТОР ОРАЛАРИНИ 2–3 МАРТА КУЛЬТИВАЦИЯ ҚИЛИНГ • ҲАШАРОТГА ҚАРШИ КУРАШ ТАДБИРЛАРИНИ ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИНГ • ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ҲОЗИРДАН ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИНГ.

МУСОБАҚАДОШ ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ ДАЛАЛАРИДА

БУ—ЧИНАКАМ ЖАСОРАТ

Бир неча йилдирки, Тошкент ва Жиззах области меҳнаткашлари ўзаро мусобақалашиб келмоқдалар. Мусобақа ҳар икки областнинг умумий юксалишида катта роль ўйнамоқда. Анъанага кўра шу йилнинг 17 ва 18 июль кунлари пойтахт области ўзаро текшириш бригадаси навқирон Жиззах областида бўлиб, мусобақа шартлари қандай бажарилаётганлигини текширишдан ўтказди. Ўзаро текшириш бригадасига область партия комитетининг секретари М. Қодиров бошчилик қилди. Тошкентликлар жиззахликларнинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш соҳасида олиб бораётган ишларига юқори баҳо бериш билан бирга айрим камчиликларни кўрсатдилар, қимматли маслаҳатлар бердилар.

...Ғўза туплари белга уради. Қатор оралари юмшоқ, бегона ўтдан тоза. Мусобақадошлар экин ғовлаб кетмаганмикан, деб пайкал оралаб ҳосил шохларини кўздан кечира бошладилар. Шубҳа ўринсиз бўлиб чиқди. Айрим тупларда ҳатто 9—10 тадан бўлиқ кўсак бор эди.

— Жуда соз, — деди Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг директори Тирков Каримов, — ғўза ишлаяпти. Ҳосил ояпти. Чеканкани қачон ўтказмоқчисизлар.

— Яна 2—3 кун сабр қилсак...

— Жуда тўғри ўйлабсизлар, — дейишди мусобақадошлар. Вақтида, билиб ўтказилган чеканка ҳар гектар ер ҳисобига 2—3 центнердан қўшимча ҳосил олиш имкониятини беради.

Тошкентлик мусобақадошлар Дўстлик районидаги Ленин номли совхознинг Рашид Нурлибоев бригадаси ишидан мамнун бўлдилар.

Бригадир мусобақадошларига ўз тажрибаси ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Экин майдонимиз 81 гектар,—деди у, — шу майдонда 15 киши нарядсиз усулда ишлаяпмиз. Ўтган йили ҳам шу усулда меҳнат қилиб, кам бўлмадик. Четдан ёрдамчи жалб этмай ҳосилни ўз кучимиз билан, асосан машиналарда, йиғиб олдик. Бу йил ана шу тажрибамизни яна ҳам бойитмоқдамиз. Икки киши трактор чилик қилади, тўрт киши сувчилик вазифасини бажаради. Бригадамизнинг қолган ишчилари шароитга қараб ҳар хил юмушларни бажаришади. Йиллик иш ҳақи фондимиз 36 минг сўм белгиланган. Ана шу ҳисобдан сувчиларга 180 сўмдан, трактор чиларга 200 сўмдан, бошқа ишчиларга 120 сўмдан ойлик маош бериб борамиз. Яқинда ҳисоблаб чиқдик. Ҳозиргача 12 минг сўм харажат қилибмиз. Йиғим-терим даврида яна 4—5 минг сўм сарфлаймиз. Ана шунда маош фондидан 20 минг сўмга яқин иқтисод қилиб қолинади. Пахтакорларимиз олиб келган ҳар бир сўм ҳисобига яна 1 сўм 20 тийиндан қўшимча пул тақсимлаш мумкин.

Бригадамиз оила пудрати асосида меҳнат қиляпти, десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Чунки, 15 ишчидан 7 кишини оиламиз аъзолари ташкил этишади. Ўғлим Абдукарим Нурлибоев трактор чиликнинг ҳаддини олган. Абдухолиқ ғўзага сув қўйишнинг «сир»ларини пухта ўрганиб олиш учун ҳаракат қиляпти. Гулсара, Зулфия, Ҳасан, Юсуфлар ҳам ғўза парвариши ҳар бир ишлиқ берилиб, жон-диллари билан ишлашади. Меҳнатга онгли муносабат, уюшқоқлик ишимизнинг муваффақиятини таъминлаяпти.

Бригадирнинг сўзлари тўғри эканлигини ғўзаларнинг ҳозирги ривожи ҳам кўрсатиб турибди. Экинлар шу кунгача икки марта сувга қондирилди.

Ҳар бир сувдан сўнг, албатта, уч марта культивация қиламиз, дейди бригадир. Бунинг фойдаси катта бўляпти. Экин ўғитдан, ҳаводан яхши баҳра олиб, мўл ҳосил тўплаяпти. Минерал ўғитни аллақачон солиб бўлганмиз. Ҳозирги кунда маҳаллий ўғитга зўр бериляпти.

— Ҳар гектаридан қанчадан ҳосил олмоқчисиз? — қизиқишди мусобақадошлар.

— Гектарида 130—140 минг туп кўчатимиз бор, — деди бригадир, — 50 центнерни мўлжаллаб турибмиз.

— Раҳмат сизга, — дейишди тошкентликлар, — агарда бундан буён ҳам ишни шу тартибда ташкил этсаларингиз, албатта, бу маррани эгаллайсизлар.

Дўстлик райони меҳнаткашлари бу йил 80 минг тонналик «оқ олтин» учун курашмоқдалар. Мусобақадошлар Ленин номли совхоз миришкорлари мисолида бу районда чиндан ҳам юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Шу совхознинг ўзида 12 та бригада ва бир неча бўлим гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. Рашид Нурлибоев, Тўлан Дадажонов сингари ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари ана шу мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар. Уларнинг ибрати — бошқаларни ҳам ердан, техникадан ва бошқа моддий ресурслардан унумли фойдаланишга даъват этмоқда, ишлаб чиқаришга прогрессив усуллар дадил жорий этилаётир. Ҳозирги кунда совхоздаги 97 та бригададан 85 таси коллектив пудрати асосида иш олиб бормоқда. Бу усул районнинг бошқа хўжаликларида ҳам кенг ёйилган.

Тошкентлик мусобақадошлар қаерда бўлишмасин, чўлқуварларнинг жасоратли ишлари гувоҳи бўлдилар. Зарбдор, Пахтакор, Арнасой, Мирзачўл, Жиззах, Октябрь сингари районларнинг меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар айниқса, «оқ олтин»дан бу йилги қийин шароитда ҳам мўл ҳосил олиш учун бор имкониятларини, тажриба ва маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Тошкентлик мусобақадошлар ютуқларни қайд этиш билан бирга июль, август ойларининг қолган кунларида ғўза парваришида нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисида ҳам қимматли маслаҳатлар бердилар: қолоқ ғўзаларни яхши ғўзаларга етказиб олиш учун ҳар сувдан сўнг, албатта, 2—3 марта культивация ўтказиш керак. Чиллада олинган кўсак — бўлиқ кўсакка айланади. Ҳосили эрта етилади, толаси пишиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ғўзани чилла сувига қондириш керак. Кўчатимиз бут, деб асло хотиржамликка берилиш керак эмас. Қолоқ участкаларни яхшилаб олиш учун ғўзани шарбат усулида суғоришга эътиборни кучайтириш керак. Экинни ҳашаротга олдириб қўймаслик учун кузатувчилар сонини кўпайтиринг. Айниқса, маккажўхори атрофидаги ғўзаларга ҳашаротга қарши ишлов бериш зарур.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш имкониятларидан тўла фойдаланиш лозим. Ҳамма ерда беданинг учинчи ўримини тезроқ тугаллаш муҳимдир.

Дўстона маслаҳатлар учун жиззахлик дала меҳнаткашлари тошкентликларга миннатдорчилик билдиришди.

Ҳар бир районда, хўжаликда ўзаро текшириш якуни асосида дала ишларини янада кучайтириш, мўл ҳосил тўплаш, йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Жиззахликлар бу йил кам деганда 370 минг тонна «оқ олтин» етиштириш, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам кескин юксалтириш учун курашни янада авж олдириб юбордилар.

Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

● **Қўш Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Юсуф Тўйлибоев Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг юқори ҳосилли бригадасига раҳбарлик қилади. У хўжаликдагина эмас, районда уста пахтакор сифатида танилган. Кенжа ўғли Ботир отаси изидан боришга қарор қилган. Бўлажак пахтакор отаси билан тез-тез дала кезади.**

В. ПОРТНОВ фотоси.



● **Ҳайдарали Алиматов Бекобод районидаги «Далварзин» совхозининг тажрибали сувчиларидан бири. У бу йил онла аъзолари билан 20 гектар майдондаги ғўзаларни сувга қондириш ташаббуси билан чиқди.**

Суратда: онла бошлиғи Ҳ. Алиматов қизлари Манзура, Улчахон, умр йўлдоши, қаҳрамон она Дилбарой, яна бир қизи Гулчеҳралар билан навбатдаги картага сув тараш олдидан суҳбатлашмоқда.

М. ҚОРАБЕКОВ фотоси.



РАСМИЙ ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 18 июль куни расмий дўстона визит билан Москвага келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков Внуково аэродромида самолёт пиллапояси олдида Я. Кадарни, делегациянинг бошқа аъзоларини самимий табрикладилар.

ВХР партия ва давлат арбобларини СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. В. Тализин, СССРнинг ВХРдаги элчиси В. Н. Базовский, бошқа расмий кишилар ҳам кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ВХРнинг СССРдаги элчиси Ш. Райнаи бор эди.

Пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари, Москвада ўқиётган ва ишлаётган ВХР гражданлари меҳмонларни қарсаклар билан табрикладилар.

Аэродромда ВХР ва СССРнинг давлат байроқлари кўтарилди. СССР Қуролли Кучларининг уч тури — Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий ҳаво кучлари ва Ҳарбий Денгиз Флотининг вакилларидан иборат фахрий қоровул саф тортди. Оркестр икки мамлакат давлат гимнларини ижро этди.

А. А. Громико билан Я. Кадар совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар.

Аэродромда кутиб олиш маросими фахрий қоровулнинг саф тортиб ўтиши билан тугади.

Қардош мамлакатдан келган меҳмонлар Кремль сари йўл оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов Кремлда, Катта Кремль саройи олдидаги майдонда Я. Кадарни, делегациянинг бошқа аъзоларини қардошларча, самимий табриклади.

Кремлдаги кутиб олиш маросимида А. А. Громико, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. И. Долгих, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

ВХР ва СССР давлат байроқлари кўтарилди.

Кремлда расмий учрашув вақтида Ю. В. Андропов ва Я. Кадар ўртоқлар қисқача суҳбатлашиб олдилар.

Мотоциклчилар эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналар кортежи ўтиб борган кўча ва майдонларга ВХР ва СССР давлат байроқлари тикилган, табрик сўзлари ёзилган транспарантлар илиб қўйилган эди. Москваликлар бутун йўл давомида делегацияни самимий кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида республикада иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планининг 1983 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари тўғрисидаги ахборотни тинглади. Ўзбекистон ССР саноати январь-июнь планини 102 процент бажариб, маҳсулот ишлаб чиқаришни 4,8 процент кўпайтирганлиги қайд этилди. Топшириқдан ташқари 201 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 133,6 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга бир қанча корхоналар планни бажармадилар. Бюро область партия комитетларига, республика министрликлари ва идораларига маҳсулотни реализация қилиш, етказиб бериш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан планнинг бажарилмай қолишини эътибор билан таҳлил этиб, қолоқликни бартараф этиш учун амалий чоралар кўришни топширди.

Бюро 1983—1985 йилларда газ саноатини жадал ривожлантириш ва республикани газ билан таъминлаш даражасини ошириш юзасидан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирларни кўриб чиқди ва маъқуллади.

Бюро қишлоқ хўжалигида план топшириқлари ва мажбуриятлар муваффақиятли бажарилаётганлигини таъкидлади. Бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш тугалланди. Чорвачилик илдам суръатлар билан ривожланмоқда.

Бюро КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорлари асосида бадиий адабиёт нашр этишни яхшилаш чораларини кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети, республика нашриётлари, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси ва республикадаги бошқа ижодий союзларнинг бадиий адабиёт ва болалар адабиётини нашр қилиш соҳасидаги фаолиятида бир қанча камчилик ва нуқсонлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Бадиий саёз, майда мавзуларга доир асарлар ҳануз нашр этилмоқда. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари қаҳрамонона меҳнати, меҳнат коллективлари турмуши етарли даражада акс эттирилмаётир. Таржима қилинган адабиётни нашр этишда, китобларнинг полиграфик ишланишида камчиликлар кўп. Ўзбекистон ССР Нашриёт полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетига, республика Ёзувчилар союзига, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига бадиий адабиёт нашрини янада яхшилашга ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда бу адабиётнинг ролини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун белгиланган маблағларни бошқа ишларга сарфлаш фактларининг олдини олиш тадбирлари муҳокама қилинди ва маъқулланди. Бюро қишлоқ хўжалигига мўлжалланган маблағларнинг Озиқ-овқат программаси вазифаларини ҳал этиш билан боғланмаган ишларга сарф қилинишини қоралади, тегишли область ижроия комитетлари, министрликлар ва идораларга колхозлар ҳамда совхозлар ҳисобига қурилган объектларнинг тўла қимматини уларга қайтариб бериш ва бундан буён шу хилдаги бузилишларга йўл қўймаслик мажбуриятини юклади.

Бюро Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленуми қатнашчиларининг танқидий мулоҳазалари, таклифлари ва илтимосларини умумлаштириб, тегишли партия, совет ва хўжалик органларига бу мулоҳаза, таклиф ва илтимосларни тез орада амалга ошириш учун ҳамма зарур чораларни кўришни топширди.

Бюро Тошкент область партия комитетининг мактабгача тарбия муассасалари шахобчаларини жадал ривожлантириш соҳасидаги ташаббусини кўриб чиқди ва уни ўз вақтида қилинган, қимматли ташаббус деб топди. Ўзбекистон Компартиясининг барча область комитетларига шу беш йилликда ва келгуси беш йилликда аҳолининг болалар боғчалари ва ясли ларига эҳтиёжларини тўла таъминлаш учун мактабгача тарбия муассасалари шахобчаларини кенгайтириш имкониятларини кидириб топиш мажбуриятини юклади.

Бюро Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда узумчилик ва майиз етиштиришни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди ва тегишли министрликлар ҳамда идораларга кўрсатиб ўтилган камчиликларга барҳам бериб, бу соҳани жадал интенсивлашга эришишни топширди.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Газ саноатини жадал ривожлантириш бўйича топшириқларнинг бажарилишида ўрнак кўрсатган ходимларни СССР орден ва медалларн билан мукофотлаш тўғрисида

Газ саноатини жадал ривожлантириш бўйича топшириқларни бажаришда эришилган ютуқлари учун **мукофотлансин:**

Тошкент области бўйича

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Гребнюков Александр Кириллович — «Союзбургаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўрта Осиё чуқур бурғулаш экспедицияси бульдозер машинисти.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Алимов Файзираҳмон Хуснулович — «Союзгазэнергоремонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ташкентгазэнергоремонт» ишлаб чиқариш-техника корхонаси слесари.

Ғуломов Абдукарим Ҳошимович — Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» саноат бирлашмаси «Узбекгазстрой» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси крануврувур ётқизгич машинисти.

Ҳамидов Накат Муҳамедович — Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» саноат бирлашмаси ишлаб чиқариш техника хизмати ва комплектлаш бошқармаси бошлиғи.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Тинчурин Марс Загидуллович — «Союзгазэнергоремонт» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ташкентгазэнергоремонт» ишлаб чиқариш-техника корхонаси слесари.

Хожиматов Холдор — «Ташоблгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Бекабадгаз» идораси ишчиси.

Тошкент шаҳри бўйича

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Мамонтов Валентин Валентинович — Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» саноат бирлашмасининг бош инженери.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Поляков Игорь Анатольевич — Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» саноат бирлашмаси «Узбекгазстрой» трести ишлаб чиқариш-технологик комплектлаш бошқармаси электр пайвандчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Мечетина Шарофат Худойқуловна — «Узбектрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр механиги.

Ризамуҳамедов Миржалол — «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесари.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1983 йил, 28 июнь.

КОММУНИСТИК РАЙОНИ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН

ЯНГИ МАЖБУРИЯТ ОЛДИК

КОММУНИСТИК ва Паркент районлари маккажўхоринкорларининг Тошкент области барча меҳнаткашларига мурожаати бизни янги ғалабаларга чорламоқда. Ҳақиқатдан ҳам маккажўхорига ўз вақтида қарасанг, ишлов берсанг, суғорсанг, озиқлантирсанг ундан янада мўлкўл ҳосил олиш имконияти бор. Буни биргина бригадамиз мисолида яққол кўрса бўлади.

Бундан бир неча йил илгари маккажўхоризорларнинг ҳар гектардан 50—60 центнердан «каҳрабо дон» олардик. Маккажўхори кўкпоясининг ҳосилдорлиги ҳам жуда паст эди. Биз ҳосилдорликни ошириш учун тинимсиз ҳаракат қилдик. Изландик, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий эта бошладик, ҳамкасбларимизнинг илғор тажрибаларини қўлладик. Натижада ҳосилдорлик қисқа вақт ичида кескин ортди. Мана икки йилдирки, 100 центнерга етказиб маккажўхори дони етиштирмоқдамиз.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида 150 гектар майдондаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 100 центнердан ошириб дон йиғиштириб олиш мажбуриятини қабул қилдик. Шунингдек, гектаридан олинадиган силосбоп кўкпоя 450 центнерга етказилади. Бошқача қилиб айтганда давлатга камида 1500 тонна «каҳрабо дон» топширамиз.

Албатта, бу маррага етиш учун кўп меҳнат қилиш лозим. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси эрта баҳорданоқ юксак мажбуриятга яраша жасорат кўрсатдилар. Уруғлик ўз вақтида экиб олинди, униб чиққач, пешма-пеш ишлов беришни бошлаб юбордик. Ҳозиргача экин қатори оралари уч марта культивация қилинди. Дала маликаси уч марта минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди. Айни кунларда ҳам парваришни жадал суръатларда давом эттиряпмиз. Экинга шарбат суви оқизилмоқда. Сувчиларимиз Ўскан Турғунбоев, Қамчибек Иброҳимов, Зарбулла Тошоевлар куну-тун дала кезиб, ҳосилга-ҳосил қўшишмоқда. Ҳар бир туп маккажўхорида 2—3 тадан бўлиқ сўта бор.

Механизаторларимиз Маъмур Турғунбоев билан Чинпўлат Норбўтаевлар ўримйиғим мавсумига пухта ҳозирлик кўришяпти. Барча техникалар қайта кўрикдан ўтказилмоқда. Умуман, биз ҳар йили ўрим-йиғимни қисқа муддатларда тугаллаймиз. Шу мақсадда барча зарур машина ва механизмлар, ишчи кучларининг тўла қувват билан ишлаши учун олдиндан пухта тайёргарлик кўрилади.

Бригадамиз аъзолари ҳамкасбларимизнинг қимматли ташаббусидан руҳланиб давлатга фақат юқори сортли дон топширишга бел боғлаганлар. Ҳар бир агротехник тадбирни юксак сифатли ўтказамиз. Зиммамизга олган мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз.

О. ТЕМИРОВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идораларининг қишлоқ ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш юзасидан 1983 йил биринчи ярми социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бош бошқармасининг ёрдамчи хўжалиги коллективи. Бу коллектив топширикда белгиланган 600 тонна ўрнига 727 тонна гўшт етиштириб аҳолига сотган, ўз хўжалигида чўчқаларни урчитиш йўли билан 22 минг бошга етказди, чўчқа боласи олиш планини 120 процент, озуқа чиқиндиларини тўплаш ва улардан фойдаланиш планини 148 процент бажарди. Байроқ Андижон умумий овқатланиш трестидан олиб берилади.

Қўқон ёғ-мой комбинати ёрдамчи хўжалиги коллективи. Бу коллектив 17 тонна гўшт, 46 тонна сут, 11 минг дона лимон етиштириб, ишчиларга сотган, қорамол туёғини кўпайтириш планини 110 процент, қўйларни кўпайтириш планини 121 процент бажарган, ҳар бир сигирдан 1533 килограмм сут соғиб олган, тирик вазни 550 килограмм келадиган қорамолларни гўштга топширган. Байроқ «Самарқандгеология» бирлашмасининг Қашқадарё геология-разведка экспедициясидан олиб берилади.

РСДРП II съезднинг 80 йиллиги олдидан

КПСС — ЛЕНИН ПАРТИЯСИ

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида очилган янги кўргазмани ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларимиз зўр қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар. «КПСС — Ленин партияси» деб номланган бу кўргазма РСДРП II съездининг 80 йиллигига бағишланди.

Кўргазма экспонатлари бир неча мавзуга бўлинади. Залга кирган киши эътибори энг аввало «Искра» газетасининг биринчи сони фото нусхасига тушади. Унинг ёнига доҳийнинг «Нима қилмоқ керак?», «Бир қадам олға, икки қадам орқага» асарларининг илк нусхалари қўйилган. В. И. Ленининг партия II съезди делегатлари билан суҳбати тасвирланган полотно эса рассом И. Белов мўйқаламига мансубдир.

Томошабинлар яна бир ҳужжатни эътибор билан кўздан кечирмоқдалар. У партия Устави биринчи моддаси хусусидаги музокаралар тўғрисида доҳий қайд этган жумлалар қўлёзмасининг нусхасидир. У 1903 йилнинг 2 (15) августида ёзилган эди. Қўлёзмада Уставнинг 1-моддасидаги қоидалар ўз ифодасини топган.

Кўргазманинг навбатдаги бўлими «КПСС халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади» деб номланган. Унда КПСС XXVI съезди материаллари, партиянинг социал состави, совет халқининг яратувчилик меҳнати фотосуратларда тўла ифодаланган. Келтирилган факт ва рақамлар, статистика маълумотлари ўн биринчи беш йилликда эришаётган муваффақиятларимиздан ҳикоя қилади.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми якунларига оид ҳужжатлар шу бўлимнинг узвий давомчи сифатида кўзга ташланади. Қўйилган фотосуратларда идеология, снёсий-тарбиявий ишларни намунали ташкил этиш йўлида партия ташкилотлари олиб бораётган кўп қиррали ишлар томошабинлар кўз ўнгида намоён бўлади. Сўнгги қисмларда эса КПССнинг тинчлик снёсати, тинчликни сақлаб қолиш учун кураши ҳужжатларда ва фотосуратларда ҳаққоний тасвирланган.

Кўргазма барча томошабинларда катта қизиқиш уйғотаяпти. У шонли партиямиз босиб ўтган йўл ҳақида бой маълумотлар беради.

Кўргазмани очиш маросимида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов иштирок этди.



Суратда: кўргазма залида.

В. ПОРТНОВ фотоси.

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИДА

МАДАНИЙ КОМПЛЕКСЛАРГА ДОИМИЙ ЭЪТИБОР

Область касаба союзлари Совети қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавот хўжалиги ва тайёрлов ходимлари касаба союзи область комитетларига қарашли совхозлар социал-маданий комплекслари ва марказлашган клублар системаси фаолиятини кўриб чиқди. Ҳозир совхозларда касаба союз ташкилотлари ихтиёрида 22 та маданий комплекс, 5 та клуб системаси ишлаб турибди. Улар составида 37 та клуб ва маданият уйи, 42 та кутубхона, 28 та кинотеатр ва кинокурилма, 80 та қизил бурчак, 26 та маиший хизмат корхонаси, 7 та музика мактаби бор.

Чиноз, Паркент, Оҳангарон, Оққўрғон районларидаги совхозларнинг қўпчилигида меҳнаткашларга кўрсатилаётган маданий-маиший хизмат формалари йил сайин такомиллашиб боряпти. «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми маданий комплексига 17 та маданий, спорт, медицина, маиший муассасалар бирлашган. Координация Совети маданий комплекс ишига раҳбарлик қиляпти. Паркент районидаги «Прогресс», Оҳангарон районидаги «Ангрен», Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозлари маданий комплекслари ҳам хўжаликларни социал жиҳатдан ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшяпти. Маданий комплексларга қарашли муассасалар ҳар доим меҳнаткашлар билан гавжум бўлмоқда. Бу ерда тўгараклар сони йил сайин кўпайиб боряпти. Эндиликда ҳаваскорларнинг бирлашмаларни ва клублари тузилмоқда.

Лекин областимизнинг кўпгина совхозларида шундай маданий комплекслар ҳали тузилмаган. Қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи область комитетига қарашли совхозларнинг 16 тасида, мева-сабзавот хўжалиги ва тайёрлов ходимлари касаба союзи область комитетига қарашли совхозларнинг 12 тасида маданий комплекслар тузилган, холос. Бўка районидаги «Кукорол», Оржоникидзе районидаги «Қибрай», Калинин районидаги Свердлов номли совхозларда маданий комплекслар тузилишига ниҳоятда юзаки ёндошилган. Уларда йил бўйи амалга оширилдиган тадбирлар плани ҳам йўқ.

Маданий комплексларга қарашли муассасалар ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам талаб даражасида эмас. Айрим хўжалик раҳбарлари маданий-маиший, спорт ташкилотлари ходимларининг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермаганлар. Касаба союз ихтиёридаги 42 та кутубхонадан олтитасида кўчма пунктлар бор, холос. Маданий муассасаларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш устида ҳам айрим касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари кам қайғурмоқдалар.

Область касаба союзлари Совети ташкилотларига ва хўжалик раҳбарларига оид ҳужжатлар шу бўлимнинг узвий давомчи сифатида кўзга ташланади. Қўйилган фотосуратларда идеология, снёсий-тарбиявий ишларни намунали ташкил этиш йўлида партия ташкилотлари олиб бораётган кўп қиррали ишлар томошабинлар кўз ўнгида намоён бўлади. Сўнгги қисмларда эса КПССнинг тинчлик снёсати, тинчликни сақлаб қолиш учун кураши ҳужжатларда ва фотосуратларда ҳаққоний тасвирланган.

Кўргазма барча томошабинларда катта қизиқиш уйғотаяпти. У шонли партиямиз босиб ўтган йўл ҳақида бой маълумотлар беради.

Кўргазмани очиш маросимида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов иштирок этди.

«ХАСКОВСКА ТРИБУНА» САҲИФАЛАРИДА

ҚУДРАТЛИ ПРЕСС ЎРНАТИЛЯПТИ

Хасководаги химия машинасозлиги заводида Совет Иттифоқида яратилган 4 минг тонналик прессни монтаж қилиш бошлаб юборилди. Инженер Костадин Пенев раҳбарлигидаги монтажчилар прессни лойиҳада кўзда тутилгандан барвақт фойдаланишга топширишга аҳд қилганлар.

Янги пресс ноёб ва қудратлидир. Унинг ишга туширилиши корхонада меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, янги қисм ва узеллар тайёрлаш имконини беради.

ПАХТАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Дмитровграддаги агросаноат комплексида йилдан-йилга пахта етиштириш кўпайиб бормоқда. Ўтган йили бу ерда 270 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Бу йил пахтазорлар яна 80 гектарга кенгайтирилди. Комплекс коллективи пахта етиштиришда илғор техника ва технологиядан кенг фойдаланмоқда. Бу соҳада уларга Чирпан шаҳридаги пахтачилик институти мутахассислари яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Жумладан, бу йил пахта майдонларининг анчагина қисмига мазкур институтда яратилган пахтанинг «Чирпан — 433» навли чигити экилди. Пахтакорлар экин ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛАДИ

1985 йилда Хасковонинг 1000 йиллиги нишонланади. Ҳозирги пайтда шаҳарнинг бу шонли юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Белгиланган тадбирларга кўра Хасковода янги турар-жой массивларини барпо этиш, кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш мўлжалланган.

Хасковонинг жанубий дарвозаси ҳисобланган Толбухин массивида ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу ердаги кўчалар кенгайтирилмоқда, ер ости йўллари, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари барпо этиляпти.

МАШИНАСОЗЛАР МЕҲМОНЛАРИ

Тошкентдаги саноат корхоналарининг инженер-техник ходимлари Хасководаги «Млада гвардия» заводи машинасозларининг меҳмони бўлдилар. Бу корхона партия комитетининг секретари Тодор Лазаров ўзбекистонлик меҳмонларга завод тарихи, коллективни социал-иқтисодий ривожлантириш плани ҳақида гапириб берди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўпгина қисми Совет Иттифоқига юборилади.

«Таштекстильмаш» заводидан келган меҳмон Александр Ходарев самимий ва қизғин кутиб олганликлари учун хасковолик ҳамкасбларига самимий миннатдорчилик изҳор қилиб, уларга ишларида катта муваффақиятлар тилади.

САЛОМАТЛИК УЙИ

Хасководаги янги турар-жой массивларидан бирида саломатлик уйи очилди. Бу ерда турли касалликларни даволаш бўйича кабинетлар, лабораториялар бор. Улар энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Саломатлик уйи шифокорлари беморларга хизмат кўрсатишни бошладилар. Ҳозирги пайтда округда комплекс медицина хизмати кўрсатиладиган ана шундай бир нечта саломатлик уйлари ишлаб турибди.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

50 ЦЕНТНЕРЧИ

Шийпон олдидаги гулзор узра кўтарилган қизил байроқ олис-олислардан ҳам кўзга чўғдек ташланиб турибди. Байроқ бу гал илғор чопиқчилар ва сувчилар шарафига кўтарилган.

...Биринчи сувдан сўнг пайкалларда бегона ўтлар кўриниб қолди. Уларни шу кунларда илдизи билан олиб ташланмаса, эрта индин бошлалаб кетади. Бригада бошлиғи Искандар Хўжакаев пайкалларни айланиб чиқишда сўнг туш пайтида шийпонда колхозчилар билан қисқагина йиғилиш ўтказди.

— Эртадан ғўза чопиғини бошлаймиз,— деди у.— Ҳар бир кишига 15 сотихдан ер ажратиб берилади. Тупроқнинг намлигида бегона ўтларни илдизи билан олиб ташлаш керак. Айни пайтда ғўзаларни ягана ҳам қилиб кетамиз.

— 15 сотих кам эмасми, — сўради ҳисобчи.— Қўшни колхозларда 20—25 сотихдан норма белгиланибди.

— Нормани камроқ белгилаганимизнинг сабаби бор, — бригада бошлиғи унга тушунтирди.— Иш ҳаҳми камроқ бўлса сифатли бажарилади. Майдон катта бўлса колхозчилар тезроқ бир ярим — икки норма бажара қолай деб юзаки чопиққа ўтиб кетишади. Кейин бегона ўтлар яна чиқаверади. Бунақа «рекорд» бизга керак эмас. Биринчи чопиқнинг ўзидаёқ ғўза ҳам ягана қилиниши, ҳам бегона ўтдан тозаланиши керак. Кейинроқ яна бир енгил чопиқ ўтказамизда, у ер-бу ерда қолиб кетган бегона ўтларни ўлдириб чиқамиз. Шу билан кетмон иши тугайди.

Бригадирнинг мақсадини одамлар тушунишди. Демак, сон кетидан эмас, сифат кетидан қувиш керак. Иш бошидан пухта бўлса, кейинроқ сарф-харажат камаяди. Бригадирнинг билгани билган...

Искандар ака Оқовул қишлоғидаги Ислом бобонинг тўнғич фарзанди. Ислом бобо қишлоқнинг энг ҳурматли оқсоқоли, кекса коммунист, колхоз тузуми ветерани. Илгари мана шу III «Интернационал» участкаси мустақил бир колхоз эди. Уни Ислом бобо тенгқурлари билан тузишган эди. Кейинроқ «Политотдел» колхозига қўшилгач хўжаликнинг бир участкаси бўлиб қолди.

Ёш Искандар шофёрлик курсини тамомлаб шу участкада 3—4 йил юк машинаси ҳайдаб юрди. Кейинроқ бригадага ҳисобчи бўлиб ўтди. Орада ўқиб Тошкент қишлоқ хўжалик техникумини тамомлади, партия сафига кирди. Мана энди ўн икки йилдирки, илғор бригадага бош-қош. Ўтган йилги қийин шароитда ҳам бригада коллективи 54 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олиб маррага биринчилар қатори етиб келди. Бу йилги мўлжал эса 50 центнер!

Эрта баҳорда Искандар Хўжакаев бошлиқ бригада аъзолари биринчи бўлиб далага чиқишди. Март ойи оёқламай ерларни текислаб чигит экишни бошлаб юборишди. Ҳаво мўътадил, ер селгиган, тупроқнинг юза қисми қизиб қолган эди ўшанда.

Эрта экилган чигит эрта униб чиқди. Сифатли ўтказилган чопиқдан сўнг ғўзалар яна ҳам яшнаб кетди. Культивация давомида гектар бошига солинган 250 килограмм азот, 250 килограмм фосфор ғўза танига қон ва жон бўлиб сингди. Бригадир ҳар бир агротехник жараён сифатини ўзи шахсан текшириб борди. Шу текширув давомида тез ва тоза ишлаганлар маълум бўлди.

Бу ғал бригадир пайкал оралаб саккиз кишининг фамилиясини ёзиб келди. Улар орасида Аъзам Миржамолов, Султон Эрназаров каби чопиқчилар, Мухтибой Тиловбоев, Тастан Умаров каби сувчилар бор эди. Улар номи кейин гулзор узра ҳилпираб турган ўша қизил байроқ остидаги тахтачага чиройли қилиб ёзиб қўйилди.

Чопиқчилар ишни тугатишлари билан трактордар рули пайкалларга бурилди. Культивация тугар-тугамас эса эғатлар сув тарашга тайёрланди. Мана энди азот ва фосфорга тўйган эғатларга сув керак. Сув қанчалик жилдираб оқса озуқа тупроққа, ғўза илдизига шунчалик чуқур сингади. Қуёш тафти билан тупроқдаги намлик ғўзага жуда ҳам хуш ёқади, қун сайин эмас, соат сайин у кўкка бўй чўзаверади.

Бригадир ғўзадаги биринчи гулни 12 июнда кўрди. Ўша куни 21 гектарлик катта пайкални айланиб юрган эди. У ёқ-бу ёққа қаради. Яқинроқда ҳеч ким кўринмади. Чамаси одамларни чақириб уларга ҳам гулни кўрсатмоқчи бўлди. Кейин ғўза бошига чўнқайиб гулни кафтлари орасига олганича майин силади. Биринчи гул унга худди биринчи фарзанддек азиз туюлди, шу дамда.

Ҳозир гулга безанган ғўзалар иккинчи сувга қонаяпти. Июль ва август ҳосил тўплашда зарбдор ой деб эълон қилинган бу ерда. Суғоришни сифатли ўтказиш учун ҳар бир сувчи учун 80 сотихдан ер ажратиб берилган. Бу бир норма ҳисобланади. Шу норма сифатли бажарилса сувчига 7 сўм 54 тийин иш ҳақи ёзилади. Сувчилар эпчил ҳаракат қилиб, ҳозир бир ярим нормадан иш бажаришяпти. Бир томчи ҳам оқова сув бекорга кетмаяпти. Катта картадан чиққан сув дарров этакдаги кичик карталарга тараляпти. Бегмат Эштоев, Икром Усмонов, Турғунбой Маҳкамов каби сувчилар бу ишнинг жуда ҳам ҳаддини олишган. Ишдан қўнгиллари тўлгач эса бир пиёла чой ичиб ҳордиқ чиқаргани шийпон томон юришади.

Яқинда участка маданият уйи бадиий ҳаваскорлари тушки дам олиш соатида келишиб чопиқчи ва сувчиларни дилрабо куй ва қўшиқлари билан мамнун этишди. Кейинроқ улар ҳузурига Тошкент Давлат педагогика институти ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати Маъмура Тўлаганова меҳмон бўлиб келди. У колхозчиларга КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг тарихий аҳамияти ва ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этилган қоида ва хулосалар асосида бундан буён базжарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида қизиқарли лекция ўқиб берди. Участка идеология кадрлари суҳбати ҳам бригада аъзоларида катта таассурот қолдирди.

— Участкамизда икки пропагандист, 14 агитатор, 7 сиёсий ахборотчи омма ўртасида ғоявий-сиёсий ишлар олиб боряпти,— дейди цех партия ташкилотининг секретари Асилжон Ўташев.— 10-мактаб тарих ўқитувчиси Жиянбек Ақлбоев, бригадир ёрдамчилари Ғани Умаров, Ли Кен Дори бу коллективга агитатор қилиб тайинланган. Уларнинг барчаси олий маълумотли, тарғибот-ташвиқот ишларида бой тажриба тўплаган мутахассислардир. Идеология кадрлари график асосида жойларда бўлиб, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материалларини оммага кенг тушунтирмоқдалар, колхозчиларни меҳнатга онгли муносабатда бўлишга, илғор тажрибаларни оммалаштиришга даъват этмоқдалар.

Бу йил сиёсий ва иқтисодий таълим системасидаги мактабларинг ўқув машғулотларида участка колхозчиларидан 81 киши иштирок этди. Айниқса, Искандар Хўжакаев етакчилик қилаётган коллективда сиёсий ўқув машғулотлари тингловчиларнинг тўла активлигида ўтди. Искандар ака бригада партия группаси ташкилотчиси сифатида давоматнинг тўла бўлишини таъминлади, тингловчиларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини оширишга кўмаклашди. Бригададаги ҳар бир коммунист, ҳар бир партиясиз актив ўз сиёсий ва иқтисодий билим доирасини оширишга жон дили билан қизиқмоқда. Уларни бунга коллектив етакчиси Искандар Хўжакаев даъват этяпти.

Ж. НОСИРОВ,
Коммунистик райони.

ҚУРУВЧИ СТУДЕНТЛАР МАРШРУТЛАРИ

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сўнгги имтиҳонлар тугаб учинчи меҳнат семестри бошланди. Институтимиз студентлари ҳам мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида бунёдкорлик ишларида қатнашмоқдалар.

Институтда студентлар қурилиши отрядлари 1968 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Шу давр ичида Тошкент областининг Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларидаги қатор зарбдор объектларда, Жиззах чўлларини ўзлаштиришда шижоат кўрсатиб меҳнат қилинди.

Ўтган йилнинг ўзида институт қурилиш отряди аъзолари 1 миллион 535 минг сўмлик бунёдкорлик ишларини бажардилар. Уларнинг айниқса, Олтой ўлкасидаги энг қийин бўлган участкаларга алоқа кабелларини ўтказишдаги фидокорликлари эътиборга лойиқдир.

Мана ўн йилдирки, институтимиз коллективи билан Германия Демократик Республикасининг олий техник мактаби ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари мавжуд.

Аълочи ва жамоатчи студентлардан ташкил топган «Интернационал» қурилиш отряди Берлиндаги қурилишларда меҳнат қилиб келмоқда, Берлинлик ёшлар эса институтимиз базасидаги қурилишларда қатнашишади. Бу икки мамлакат студент ёшлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди, албатта.

Бу йилги меҳнат семестрида 500 нафар йигит-қиз Олтой ўлкасига ҳамда РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси — Новгород областига йўл олишди.

Бундан ташқари, 300 га яқин талабаларимиз пойтахт шаҳримиз юбилейини муносиб кутиб олиш учун 9 та қурилиш объектида меҳнат қилишга аҳд қилдилар.

Ш. САЛАЕВА,
Тошкент алоқа-техника институти студенти.

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

ОКТЯБРГАЧА БАЖАРИШМОҚЧИ

БУСТОНЛИК районидаги Хўжакент ихтисослаштирилган йўл-ремонт қурилиш бошқармасининг 1-участкасида бригада пудрати асосида ишлаш йўлга қўйилдию, аҳвол тубдан яхшиланди. Аваллари шофёрлар, бульдозерчилар ёки экскаваторчилар ёнилғи тақчил бўлиб етишмай қолган кезларда ишни тўхтатиб қўйишарди. Энди эса мутлақо ўзгача манзара: иш учун ҳамма бирдек жон қуйдиради, ёнилғи бўлмай қолса шагал, қувур ётқизиш каби бошқа ишларни бажариб кетаверишади. Бу эса ўз ўрнида икки томонлама — ҳам иқтисодий, ҳам маънавий фойда бермоқда. Биринчидан, зиммадаги план ва топшириқлар муддатидан олдин бажарилса, иккинчидан, ишчилар шунга яраша маошларига қўшимча мукофот пули ҳам оладилар. Мукофот тақсимланаётганда ишнинг бажарилиш ҳажмигина эмас, балки сифат ва самарадорлик алоҳида эътиборга олинади.

Участка коллективи йил охиригача «Юбилей» посёлкасидан «Минглик» дам олиш зонасигача бўлган 4,6 километр узунликдаги масофада йўл қурилиши ишларини бажаришни ўз зиммасига олган. Бу иш ниҳоясига етказилгач, дам олиш зонасида ҳар йили мингдан зиёд киши кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратилади. Уз имконият ва резервларини қайтадан ҳисоблаб чиққан ишчилар бунёдкорлик ишини муддатидан анча илгари — октябрь ойигача тугаллашга қарор қилишди.

Айни вақтда олиб борилаётган ишлар ана шу аҳдга яраша бўлмоқда. Йўлсозлар ўтган ойлар ва квартал планларини муттасил ортиғи билан бажариб, соцмалистик мусобақада пешқадамликни қўлдан беришмади. Бу ютуқларда Ю. Юсуфжонов, С. Нагаев, М. Солиев, Э. Кенжаев сингари тажрибали ва илғор ишчиларнинг қўшаётган ҳиссалари катта бўлаётир. Улар ўзларига ишониб топширилган вазифани аъло даражада ўринлатиб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишяпти.

Коллективда ишлаб чиқариш ташаббускорлари ва беш йиллик илғорлари тобора кўпайиб бормоқда.

С. МАТЁҚУБОВ.



● «Узбитпластика» ишлаб чиқариш бирлашмасида кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш ҳажми кўпаймоқда. Айни вақтда унинг ассортименти ҳам кенгаяпти. Бунда бирлашма марказий лабораторияси ходимларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар янги-янги рўзғорбоп пластмасса буюмлари яратиш устида изланмоқдалар. Суратда марказий лабораторияда иш жараёни.

М. Нуриддинов фотоси.

«Тошкент ҳақиқати» консультация бюросидан

ЖАМОАТЧИ, ОММАВИЙ ТАШКИЛОТ

МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ ҲАҚИДА

Мени яқинда маҳалла комитетига раис қилиб сайлашди. Шу муносабат билан маҳалла комитетларининг ҳуқуқ ва вазифалари, уларни амалга оширишдаги ваколатлари тўғрисида батафсилроқ маълумот олишни истардим.

Турсунбой СОДИҚОВ,
Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоз.

Редакция илтимосига биноан газетхоннинг саволига область ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимининг инструктори М. Пак қуйидагича жавоб берди:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тасдиқлаган Низомга кўра шаҳар, қишлоқ ва посёлкаларнинг маҳалла ҳамда квартал комитетлари жамоатчилик асосидаги бошқарув органлари саналиб, улар зиммасига гражданларни давлат, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишга жалб қилиш юкланган. Улар халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари томонидан белгиланган норма ва қоидаларга биноан умумий йиғилишда очиқ овоз билан икки ярим йил муддатга сайланадилар. Маҳалла комитети аъзолари ўртасида эса вазифалар ўзаро таксимлаб олинади.

Маҳалла ва квартал комитетларига ўз фаолиятларини амалга оширишда катта ваколатлар берилган. Жумладан, улар комитет йиғилишлари қарори асосида шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ Совети ижроия комитетлари, унинг бўлим ва бошқармалари, корхона, муассаса ва ташкилотларга турли масалалар юзасидан мурожаат этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, иморат қуриш, турар-жой биноси, ер-сув ва бошқа табиат ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини ҳам мунтазам назорат қилиб борадилар.

Шунингдек маҳалла территориясидаги турли текширишлар, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг маҳалла комитети фаолиятига бағишланган масалаларни муҳокама этган кенгашларида иштирок этадилар. Маҳалла территориясида истиқомат қилиб турган кишиларнинг оилавий аҳволи ва турар-жой хусусидаги справкалар ҳам маҳалла комитети томонидан берилади.

Айни вақтда маҳалла ва квартал комитетлари жамоатчилик асосидаги ташкилот бўлганлиги туфайли буйруқ ва кўрсатмалар, ишонч қоғозлари бериш, солиқ солиш билан шуғулланмайдилар.

Маҳалла комитетлари ўз территорияларида юқори давлат бошқарув органлари, маҳаллий Советлар қарорларини амалга ошириш юзасидан бир қатор вазифаларни бажарадилар. Бунда улар бошқа жамоат ташкилотлари ва маҳаллий Совет доимий комиссиялари билан яқин алоқада иш олиб борадилар. Сайлов округларида депутатликка номзодлар билан учрашувлар ташкил этиш, маҳалла аҳли ўртасида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юзасидан турли мусобақалар ташкил этиш маҳалла комитетлари ташкилий фаолиятининг муҳим қирраларидан биридир. Ёқилғи, электр энергияси ва сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, турар-жой фондини асраб-авайлаш борасидаги тадбирларни амалга оширишда ҳам уларнинг роли каттадир. Шунингдек, бошқа кўпгина маданий-маиший, соғломлаштириш тадбирларини кенг кўламда авж олдириш вазифалари маҳалла комитети аъзолари зиммасига юклатилган.

Маҳалла ва квартал комитетлари ўз ваколатларини амалга оширишда турли форма ва методлардан самарали фойдаланадилар. Жумладан, жамоатчилик асосидаги тармоқ комиссиялари маҳалланинг санитария ва молия ҳолатини, маданий-оқартув ишларини, жамоат тартибини муҳофаза қилишни назорат қилиб боради. Хотин-қизлар ва болалар билан ишлаш комиссиялари ҳам тасдиқланган план асосида муҳим тадбирларни амалга оширадилар. Соғлиқни сақлаш, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасидаги вазифалар маҳалла комитети йиғилишларида мунтазам кўриб борилади. Айниқса, кексалар, инвалидлар, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари оналарига турли имтиёзлар бериш устидан маҳалла комитетлари доимий назорат ўрнатадилар.

Гражданларнинг хат, ариза ва шикоятларини қараб чиқиш ҳам маълум доирада маҳалла комитетлари зиммасига юклатилади.

Маҳалла комитетлари фаолияти ҳам бошқа Совет ва жамоат ташкилотлари фаолияти сингари демократик характерга эга. Унинг йиғилишлари очиқ ўтказилиб, қабул қилинган қарор маҳаллада яшовчи ҳар бир оилага маълум қилинади. Бу айни вақтда маҳалла комитетларида муҳим ва актуал муаммоларни кенг омма иштирокида қисқа муддатларда бартараф этиш имконини беради.

ШАРАФ ВА ШУҲРАТ–МЕҲНАТГА ЯРАША

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК: КОЛХОЗ ЛАУРЕАТЛАРИ

БЎКА РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» КОЛХОЗИДА УЧ НОМДА ЛАУРЕАТЛИК УНВОНИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

ТУШ пайти. Эргаш Бозорбоев бошлиқ бригаданинг дала шийпони байрам қиёфасига кирди: бу ерга колхозчилар илғорларини шарафлаш учун тўпланишган, ҳамманинг чеҳрасида табассум, қалбларда кўтаринки кайфият.

Колхоз партия комитетининг секретари А. Зоитов тантанали йиғилишни кириш сўзи билан очди. У колхознинг пойтахт областимизда, қолаверса республикада илғор хўжаликлар қаторидан мустаҳкам ўрин олганлиги, бунда эса мана шу ерда тўпланган илғор колхозчиларнинг фидокорона меҳнати, ҳал қилувчи роль ўйнаётганлиги тўғрисида гапириб, уч номда колхоз лауреатлари унвонини таъсис этилганлигини эълон қилди.

Колхоз раиси Маҳкам Пўлатов хўжаликнинг биринчи лауреатлари — Эргаш Бозорбоев, Жаббор Сулаймонов, Гелди Хитоевларни табриклади. У колхоз правлениеси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари номидаги мукофот Э. Бозорбоевга берилганини айтиб, унга гувоҳнома ва 500 сўм мукофот пулини топширди...

Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Э. Бозорбоев узоқ йиллардан бери шу колхозда ҳалол меҳнат қилиб келаётган ветеранлардан бири. У аввал ҳисобчи, сувчи бўлиб ишлаган, 17 йилдан буён эса бригадирлик қилиб келмоқда. Эргаш ака бригада бошлиғи қилиб тайинланган дастлабки йилларда пахта ҳосилдорлиги 15—20 центнерни ташкил этарди. Унинг фидокорона меҳнати, одамларга бошчилик қилиш қобилияти, пахта етиштиришдаги бой тажрибаси туфайли ҳосилдорлик йил сайин ортиб борди ва 1982 йилда... 59,6 центнерга етди!

Бу — хўжаликдаги энг юқори кўрсаткич! Ана шу рақам ортида жуда улкан меҳнат, маҳорат, ғўзага бўлган катта меҳр яширинганлиги сир эмас. Унинг кўксидаги қатор ҳукумат мукофотлари узоқ йиллик самарали фаолиятидан нишона. Мана энди улар ёнига яна бири қўшилди: Э. Бозорбоев «Октябрь 40 йиллиги» колхози мукофотининг лауреати.

— Албатта, орденларнинг қадр-қиммати баланд, — дейди ҳозиргина лауреатлик гувоҳномасини олган Эргаш ака ҳануз ҳаяжонини босолмай, — бироқ мен учун бу мукофот ҳам энг ардоқли. Чунки умримиз, ҳаётимиз шу колхоз ҳаёти билан боғлиқ равишда кечяпти. Усмирлик, йигитлик чоғларидаги энг гуллаган давримиз шу хўжалик комолоти йўлидаги меҳнат билан ўтди. Мана энди, ветеранлар қаторига кириб қолдик, ҳамон ҳаётимиз шу колхоз билан. Шунинг учун ҳам колхоз мукофотининг лауреати унвони мен учун ардоқли...

Эргаш аканинг қалбидаги ифтихор туйғусини тушуниш мумкин: унинг фақат ўзигина эмас, оиласидан ўнлаб кишилар — ўғилари, невaралари, келинларининг ҳаёти ҳам шу колхоз ҳаёти билан омухта бўлиб келмоқда. Ибратлиси шундаки — уларнинг ҳаммаси бир бригада аъзолари. Шу тариқа улар қишлоқда бригада пудратининг афзалликларини намойиш этишмоқда, шу тариқа салкам 60 центнерлик маррани забт этишди!

Эргаш Бозорбоев пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда эришган муваффақиятн учун 1977 йилда Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бепул «Москвич» машинаси билан мукофотланган эди, бу йил эса, яқинда ВДНХдан унинг бригадаси номига 1800 сўм пул мукофоти келди. Қандай мақсадга сарфланиши ҳам қайд қилинган — дала шийпонига музика асбоблари сотиб олиш учун!

Раис иккинчи лауреат — шу колхознинг собиқ аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Санд Иброҳимов номидаги мукофот лауреати Санджаббор Сулаймоновнинг қўлини қисди. Яна гулдурос қарсаклар дала шийпонини ларзага келтирди. М. Пўлатов унга лауреатлик гувоҳномаси ва 400 сўм пул мукофотини топширди.

Санд Иброҳимов колхознинг биринчи ветеранларидан эди. Хўжалик ташкил этилган дастлабки даврдан тер тўккан, Улуғ Ватан урушида қатнашган, ғалабадан сўнг яна узоқ йиллар колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди, ҳаётининг кейинги 18 йилида бригада бошлиғи вазифасида ишлади. У бошқарган коллектив колхозда энг юқори кўрсаткичларга эришди ва бригадир 1970 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Бундан икки йил муқаддам оғир касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмди.

— Мен Санд ака номидаги мукофотнинг биринчи лауреати бўлганлигимдан бахтиёрман, — дейди С. Сулаймонов, — Санд аканинг ишини давом эттириб, меҳнатда янада юқори натижаларга эришишга, бу билан Қаҳрамоннинг хотирасини ҳамиша эъзозлашга, унинг номига муносиб бўлишга ҳаракат қилаверaман.

Санджаббор аканинг дил сўзлари ҳамманн тўлқинлантириб юборди...

С. Сулаймонов ҳам эсини танигандан бери колхозда ўсиб-улғайиб, фидокорона меҳнат қилиб келаётганлардан, 18 йилдан буён эса бригадир. У ҳам оилавий бригада бошлиғи. Санджаббор ака пахтачиликда эришган жуда катта муваффақиятлари учун икки марта Ленин ордени билан тақдирланган, ВДНХнинг мукофоти — бепул «Москвич» машинаси ва Олтин медалини олган. Яқинда эса у бошлиқ бригада ҳам спорт анжомларн сотиб олиш учун ВДНХнинг 800 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Соцмалистик Меҳнат Қаҳрамони Санд Иброҳимов ўз бригадасида ҳосилдорликни 54 центнерга олиб чиққан эди. Илғор бригадирлар каби Санд аканинг ишини муносиб давом эттираётган Санджаббор Сулаймонов бошлиқ коллектив эса ўтган йили 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 58,4 центнердан ҳосил етиштирди!

Тантанали йиғилишда колхознинг собиқ раиси, ҳамма учун қадрдон бўлган Юнус Тўлағановнинг номи янгради. Яна гулдурос қарсаклар. Правление раиси М. Пўлатов устози номини эҳтиром билан тилга оларкан, овози товланиб тўлқинланиб кетди. У илғор бригадир Гелди Хитоевга Ю. Тўлағанов номидаги мукофотни т о п ш и р д и. У колхозга 1961 йилда раис қилиб сайланганида ҳосилдорлик 13 центнерни ташкил этарди. 1979 йилда эса бу кўрсаткич 47,5 центнерга кўтарилди. Бу юксалишнинг ҳаммаси захматкаш инсон, моҳир ташкилотчи, қобилиятли раҳбар, иккита Ленин ордени ва Октябрь Революцияси ордени кавалери Ю. Тўлағановнинг фаолияти билан боғлиқ.

Собиқ раис номидаги мукофот лауреати Гелди Хитоев 15 йилдан буён бригадирлик қилади. У бошлиқ коллектив ўтган йили 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 56 центнердан ҳосил кўтарди. Бунда ветеран пахтакор, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, III-даража Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, бригадир Г. Хитоевнинг ҳиссаси салмоқли албатта. У ҳақли равишда Ю. Тўлағанов номидаги мукофотга сазовор бўлди.

Юнус ака 50 центнерлик маррани орзу қиларди. Бу маррани шогирдлари забт этишди ва ундан ҳам ўзиб кетдилар. Колхозда 1982 йилда гектаридан 54,6 центнер ҳосил кўтарилди!..

Колхоз тараққиётига бутун ҳаётини бағишлаган инсонлар номидаги мукофотнинг жорий этилиши эса таҳсинга сазовор иш, улар хотирасига ҳурмат ва эъзознинг олий рамзидир!..

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

*

Кенг, баҳаво далаларда завқли меҳнат қилиб, баъзан бир пиёла чой устида бир дам суҳбат қуриб, кўнгил ёзиш кишига нақадар ҳузур бағишлайди.

В. ПОРТНОВ
фотоэтюди.



*

МУСОБАҚА НОМИГА БЎЛМАСИН

ЎЗАРО ШАРТНОМАЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Интернационал» ва «СССР 60 йиллиги» колхозлари мусобақадош. Интернационалликлар бу йил 850 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон уйишга аҳд қилишган. «СССР 60 йиллиги» колхози саршунослари эса 750 гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олишган.

Биз яқинда бу икки хўжаликда бўлиб, мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлиги, ғўзалар ривожи, парвариши билан қизиқдик.

— Йил бошида колхозларимиз ўртасида ўзаро шартнома тузилган эди,— деди «Интернационал» колхози партия ташкилотининг секретари Иннокентий Шек.— Мусобақа шартларига тўла амал қиляпмиз. Ўзаро текшириш бригадалари бир-бирларининг ишларидан доимо хабардор бўлиб турибдилар. Ютуқларни ўртоқлашамиз, камчиликларни тезроқ бартараф этишда бир-биримизга кўмаклашамиз. Барча далачилик бригадаларимиз ҳам ўз мусобақадошлари билан яқиндан алоқа боғлашган.

— Мусобақа шартлари билан танишиб чиқсак бўладими?— сўрадик И. Шекдан.

— Албатта, ҳозир олиб чиқаман.— жавоб берди у.

Партия комитетининг секретари чамаси ярим соатлардан кейин қайтиб келиб, мусобақа ҳужжатларини раиснинг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари Сайфулла Эгамовга берган эканман, деди. Биз Сайфулла Эгамовга мурожаат қилган эдик, у менда эмас, деб жавоб берди. Хуллас, хўжалик раҳбарлари маслаҳатлашгач, шартнома материаллари район партия комитетида, дейишди.

Шу тариқа саволимиз жавобсиз қолди...

— 1983 йилнинг ярми ўтди, шу ўтган давр ичида мусобақадош хўжаликда бўлдингларми?—сўраймиз партком секретаридан.

— Йил бошидан буён ўзаро текшириш бригадамиз аъзолари икки марта «СССР 60 йиллиги» колхозида бўлишди. Шартнома бўйича биз текшириш ўтказиб, орадан беш-ўн кун ўтгач, мусобақадош хўжаликка яна бориб, кўрсатилган нуқсон ва камчиликларнинг қандай тугатилганлигини текширишимиз керак, лекин бунга вақт бўлмаяпти.

Умуман, бизга район партия комитетидан кўрсатма бўлса, ана шундан кейин борамиз.

— Текшириш натижалари қайд қилинаётган дафтарни кўрсак.

— Бизда ундай дафтар йўқ...

Хўш, буни қандай тушуниш керак? Колхозда мусобақага бундай юзаки ёндошилаётганлигининг сабаби нима? Бизнингча, бу ерда ҳамма иш номига ташкил этилган кўринади. Биз хўжаликнинг Файзли Айдинов етакчилик қилаётган бригадасида бўлганимизда янада таажжубда қолдик. «Сизлар «СССР 60 йиллиги» колхозидаги мусобақадош бригада ишлари билан танишиб турасизларми?» деган саволимизга бригадир «Бизни у колхозда мусобақадош бригадамиз йўқ», деб жавоб берди.

5-бригада бошлиғи Амиршо Солмон ўғли ҳатто мусобақадош бригадаси етакчисининг исмини ҳам эслолмади.

— Биз июнь ойи бошларида уларнинг ишлари билан танишганмиз,— дейди Амиршо Солмон ўғли.— Ғўза парваришидаги камчиликларни кўрсатдик. Бу нуқсонларни бартараф этиш ҳақида маслаҳатлар бериб қайтдик.

— Натижасини текширгани бормадингизми?

— Йўқ. Вақт етишмайди. Йўл ҳам олис.

Хўжаликнинг Шабан Азизов бошлиқ 6-бригадаси коллективининг ҳам «СССР 60 йиллиги» колхозида мусобақадош бригадаси коллективи «Интернационал» колхозининг Амиршо Солмон ўғли етакчилигидаги 5-бригада билан мусобақадошлигини тан олишди.


Текшириш шуни кўрсатдики, ҳар иккала мусобақадош хўжалик ҳам шартномага амал қилмаяпти. Ундаги тадбирлар қоғоздалигича қолиб кетаяпти. Орадан ярим йил ўтибди-ю, қўлга киритилган натижалар билан қизиқишмабди.

Ҳозир ғўза парваришида айни долзарб дамлар бошланди. Бу хўжаликларда ўсишдан орқада қолган, ўт босган, сувдан қолган карталар бор. Культивацияни янада сифатли ўтказишга ҳам эътибор бериш керак. Шундай экан, мусобақадошлар ўзаро текширишлар ўтказиб, маслаҳатлашиб, илғор тажрибаларни оммалаштириб, иш олиб боришса, мўл ҳосил етиштиришда фойдаси катта бўлур эди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида хўжаликлар, ташкилотлар, корхоналар ўртасидаги социалистик мусобақани янада такомиллаштириш, унинг таъсирчанлигини ошириш ҳақида алоҳида тўхталиб: «Социалистик мусобақанинг, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг тарбиявий кучидан кенг фойдаланилсин. Мусобақадошларнинг кучғайратлари маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан ва барча турдаги ресурслардан фойдаланишни яхшилаш каби мақсадларга эришишга қаратилсин», дейилди.

«Интернационал» ва «СССР 60 йиллиги» колхозларининг раҳбарлари, мутахассислари бундан тегишли хулоса чиқариб, мавжуд камчиликларни тезда бартараф этишлари керак.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



ҲАҚИҚАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВЬЕТНАМ ГАЗЕТАСИНИНГ ШАРҲИ

ХАНОЙ. 18. (ТАСС). АҚШ конгресси сенати химия қуролининг янги тури— бинар қурол-яроғларини ишлаб чиқариш программасини маъқуллаганлиги тараққийпарвар инсониятни ҳақоратлашдир, деб ёзади «Куан дой нян зан» газетаси.

Одамлар Америка ҳарбийларининг Вьетнам диёридаги жиноятларини яхши эслайдилар. Жанубий Вьетнамда химиявий заҳарловчи моддаларнинг кенг қўлланилганлиги оғир ва узоққа чўзиладиган оқибатларга олиб келди. Бундан нафақат вьетнамликлар, агрессиянинг собиқ қатнашчилари бўлган минглаб америкаликларнинг ўзи ҳам азоб чекмоқда. Заҳарли газларнинг яна ишлаб чиқарила бошланганлиги айнан АҚШ химиявий урушга тайёргарлик кўриб, жиноят қилаётганлигидан яна бир бор далолат бериб турибди.

АҚШнинг бундай иши деб таъкидлайди газета, Вашингтоннинг гўё «СССР билан Вьетнам Афғонистон, Лаосда ва Кампучияда химиявий қуролдан фойдаланмоқда» деган ҳар қандай туҳматларини ўз-ўзидан фош этади. Қўшма Штатлар Марказий Америка халқларига қарши химиявий қуролдан жинояткорона фойдаланаётганлигидан диққат-эътиборни четга тортиш мақсадида шундай сафсаталар тарқатилмоқда. АҚШ химиявий ва бактериологик қурол-яроғларни такомиллаштириш ҳамда кўпайтириш борасидаги актив фаолиятини яширмоқчи, деб таъкидлайди «Куан дой нян зан» газетаси.

ТЎЛА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

● ПНОМПЕНЬ, 18. (ТАСС). Кампучия халқ революцион партияси, КХР Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети баёнот қабул қилдилар. Баёнотда социалистик мамлакатлар раҳбар партия ва давлат арбобларининг Москва учрашувида ўртага қўйилган ташаббуслар тўла қўллаб-қувватланаётганлиги айтилади.

Қўшма Штатлар, дейилади баёнотда, ҳозирги вақтдаги мавжуд стратегик кучларнинг тахминий мувозанатини бузишга ва Совет Иттифоқи устидан ҳарбий устунликка эришишга уринмоқда. АҚШнинг бундай сиёсати Европада ядро уруши чиқиши хатарини кучайтириб, бутун инсониятни ядро фалокатига гирифтор қилиш хавфини туғдиради. Бундай шароитда Совет Иттифоқи, бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ядро уруши хавфини бартараф этишга, планетада мустаҳкам тинчлик ўрнатишга қаратилган сиёсати барча халқларнинг орзу-умидларига мос тушади.

Кампучия халқи Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар халқлари билан елкама-елка туриб, Жанубий-Шарқий Осиёда ва бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун қатъий курош олиб боради, деб таъкидланади баёнотда.

ЯПОН КОММУНИСТЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

● ТОКИО, 18. (ТАСС). Япония Компартияси маҳаллий ўз ўзини бошқариш органларига кеча бўлиб ўтган оралиқ сайловида янги ғалабага эришди. 30 коммунист 4 шаҳар ва 11 қишлоқ муниципал кенгашига депутат қилиб сайланди.

ЯКП номидан номзодлар сайловолди кампанияси чоғида мамлакат ҳукмрон доираларининг қуролланиш пойгаси сиёсатига қарши, меҳнаткашлар иқтисодий аҳволининг янада ёмонлашувига қарши курош шиорлари остида нутқлар сўзладилар.

АМЕРИКА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИГИ

● САН-ФРАНЦИСКО, 18. (ТАСС). АҚШ хотин-қизлар миллий ташкилоти Калифорния бўлими съездининг делегатлари ҳозирги Вашингтон маъмурияти сиёсатини кескин қораладилар. Съезд минбаридан америкалик хотин-қизларнинг жамиятдаги тенгсизлиги — ишга қабул қилиш ва иш ҳақи тўлашда, социал хизмат кўрсатиш масалаларида оммавий камситиш бўлаётганлиги муносабати билан улар съезд минбаридан туриб ғазабли норозилик билдирдилар. Бундай камситишлар натижасида АҚШда қашшоқлик хотин-қизларнинг аянчли қисматига айланмоқда. Нотиқлар хотин-қизлар аҳволи янада ёмонлашаётганлиги учун жавобгарликни уларнинг ҳаққоний талабларини қўпол равишда поймол қилаётган Рейган ҳукумати зиммасига юкладилар.

Съезд қатнашчилари Қўшма Штатлар хотин-қизларига мурожаат қилиб, 1984 йилги сайловда Р. Рейганга қарши овоз беришга даъват этдилар.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари босқинчиларга ҳамон зарбалар бермоқдалар. Улар Жуб-Женинддан шимолда Исроил қўшинларининг позицияларига ҳужум қилиб, ракеталар ёғдирдилар. Натижада Исроилнинг бир танки йўқ қилинди, икки солдати ўлдирилди ва тўрт солдати жароҳатлантирилди.

Худди шу районда Исроил артиллерияси иғвогарлик мақсадида Сурия қўшинларининг позицияларини ўққа тутди.

Босқинчилар мамлакат жанубининг турли районларида Ливан гражданларига ва фаластинлик қочоқларга нисбатан жабр-зулмни кучайтирмоқдалар. Исроил солдатлари Рашидия лагерига бостириб кириб ялпи тинтув ўтказдилар ва бир қанча одамларни қамоққа олдилар.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПРАГА

Чехословакия олимларининг Совет Иттифоқидаги ҳамкасблари билан ҳамкорлиги — ЧССР фан-техника базасини янада ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан биридир. Шу беш йиллик мобайнида икки қардош мамлакатлар олимлари, инженерлари, техниклари 40 та йирик мавзуни ҳал этиш устида биргаликда меҳнат қиладилар. Умумий куч-ғайрат сарфлаб машина ва асбоб-ускуналарнинг 150 та янги турини, 20 та янги материал яратиш, 100 га яқин серунум технологияни ишлаб чиқиш мўлжалланади.

Фан-техника соҳасида Совет—Чехословакия ҳамкорлиги 30 йилдан кўпроқ вақтдан бери муваффақиятли ривожланмоқда. Шу вақт ичида ЧССР Совет Иттифоқидан 8,5 мингдан кўпроқ техникавий ҳужжатлар комплекти олди ва СССРга салкам 6,5 мингта комплект топширди.

● ДЕҲЛИ

Ҳиндистонда муссон ёмғирлари сабабли бошланган тошқин оқибатларини тугатиш шошилинч тадбирлари кўрилмоқда. ЮНИ агентлигининг хабар қилишича, марказий ҳукумат Махараштра ва Карнатака штатларининг табиий офатдан айниқса катта зарар кўрган бир қанча районлари аҳолисига ёрдам бериш учун 800 минг рупия ажратди. Бу маблағдан дори-дармонлар, озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олишда, муваққат чодир шаҳарчалари қуришда фойдаланилади.

● МАПУТУ

Лесото маъмурлари Буюк Британия гражданларидан икки кишини номатлуб шахслар деб эълон қилди ва мамлакатдан чиқариб юборди. Лесото радиосининг хабар қилишича, Ж. Макконигл ва П. Жозеф жосусликда айбландилар. Улар Жанубий африкалик сиёсий қочоқлар тўғрисида маълумотлар тўплаш билан шуғулланганлар. Радио шу муносабат билан АҚШ граждани худди шундай фаолият учун яқинда Лесотодан чиқариб юборилганлигини эслатиб ўтади.

(ТАСС, 18 июль).



● ЧИЛИ. Пиночет хунтаси қамоққа олган сиёсий маҳбусларнинг қариндош уруғлари Сантьягодаги Олий суд биноси олдида норозилик намойиши ўтказдилар.

Суратда: намойиш пайти.

АП—ТАСС фотоси.

КЎЗНИ АВАЙЛАНГ, МЕХАНИЗАТОРЛАР

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

Эрта баҳордан кеч кузгача давом этадиган дала ишларида механизаторларнинг роли катта. Ғўзаларга ишлов бераётган, тепаликларни суриб, янги ерларни очаётган, ўсимликларни муҳофаза этиш учун турли дори-дармонлар сепаётган, токзорларни юмшатаётганлар ҳам шулар.

Қатор дала шийпонларида механизаторлар учун қулай шароитлар яратилган. Аптечкалар, турли қўлланмалар, махсус муҳофаза кийим-кечаклари улар ихтиёрида. Лекин шунга қарамай баъзи механик-ҳайдовчилар, тракторчиларнинг эҳтиётсизликлари туфайли ҳар хил тасодифлар содир бўлмоқда.

Область офтальмология шифохонаси ходимларининг кузатишлари шуни кўрсатдики, қатор механизаторлар далада химиявий моддалар билан ишлаганда муҳофаза анжомларидан фойдаланмас эканлар. Бу эса турли кўз шикастликларига сабаб бўлаётир.

Кўз жароҳатланганда дарҳол мутахассис-врачга мурожаат қилиш керак. Беморга зудлик билан малакали медицина ёрдами кўрсатиш лозим. Шунингдек, ўзбошимчалик билан турли дори-дармонлардан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Чунки кўз — нозик аъзо. У арзимаган нарсага қаттиқ жароҳатланиши, кўриш қобилиятини йўқотиши мумкин.

Тошкент область кўз касалликлари шифохонасида юқори малакали медицина ёрдами кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Операциялар энг замонавий микрохирургик асбоблар ёрдамида ўтказилаётир. Афсуски, баъзи ҳолларда жуда муваффақиятли чиққан операция ҳам ишчи ёки хизматчини яна ўз коллективига қайтишига, севимли касбида ишлашига ёрдам бермаслиги мумкин.


Шунинг учун техника ремонти, химиявий дорилар билан ишлаганда кўзни авайлаш, асраш керак. Техника хавфсизлигига қаттиқ риоя қилиниши лозим.

З. СИДДИҚОВ,
Тошкент область офтальмология шифохонаси бош врачи.

ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

МЕХИКО, 18. (ТАСС). Марказий Америкада АҚШнинг интервенциячилик ҳужумлари кучайиб бормоқда. Венесуэла, Колумбия, Мексика ва Панама президентлари Марказий Америкада тинчликни таъминлашга қаратилган конкрет таклифларни илгари сурдилар. Бу таклифлар Мексиканинг Канкун шаҳрида учрашув тамом бўлганидан кейин тўрт давлат бошлиқлари имзолаган декларацияда баён қилинган.

Президентлар Марказий Америкада душманликни авж олдирадиган ҳар қандай ҳаракатларга чек қўйилсин, чет эл ҳарбий маслаҳатчилари Марказий Америкадан олиб кетилсин, бу регионда чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилиши тақиқлансин, қуролланиш назорат остига олинсин, деб даъват этдилар. Улар таъкидлаб ўтганидек, барча давлатлар регионда кескинликни юмшатиш ва сиёсий ишонч муҳитини вужудга келтириш учун ёрдам беришлари зарур. Бу даъват аввало, Қўшма Штатларга қаратилган. Маълумки, Марказий Америкада АҚШнинг ҳарбий базалари бор ва АҚШ реакцион режимларга ёрдам бермоқда. Американанинг ҳарбий маслаҳатчилари эса сомосачи босмачиларга ва Сальвадордаги жазо отрядларига ҳарбий машқ ўргатмоқдалар.





● Бўстонлиқ районининг оромбахш манзарали, хушҳаво жойларидан бирида ташкил этилган «Текстильшчик» пионер лагерида ҳар йили 1800 нафардан знёд бола дам олмоқда. Бу сўлим масканда горнчи Коля Шанининг эрта тонгдаги даъвати билан бошланган сермазмун ҳаёт оқшомлари болаларнинг рақс давраси, кулги кечалари, турли қизиқарли ўйинлари билан якунланади.

Суратда: лагерь ҳаётидан лавҳалар.

В. ПОРТНОВ фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН—ВЕНГРИЯ

Яқинда «Ташсельмаш» заводида совет ва венгер ёшлари дўстлигига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Митингда Венгрия Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Фейти ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида Венгрияни немис-фашист босқинчиларидан озод қилишда иштирок этган собиқ жангчиларнинг бир қисми ҳозир «Ташсельмаш» заводида меҳнат қилмоқда. Митингда улар номидан сўзга чиққан завод директорининг ўринбосари В. В. Возненко икки халқ ўртасида ўрнатилган дўстлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлади. КПСС XXVI съезди делегати, илғор ишчи Ю. И. Степаненко икки мамлакат машинасозлари ҳамкорлиги бераётган самаралар устида тўхталди.

С. ЭГАМБЕРДИЕВА.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ДАЛАДА БАЙРАМ

ОҚҚЎРҒОН. Охунбобоев номли колхознинг 2-бригадаси дала шийпонига қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган 300 дан ортиқ хотин-қизлар тўпланишди. Йиғилишда район «Билим» жамияти масъул котиби Тўлқин Йўлчиев КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари ҳақида фикр юритди. Район марказий касалхонасининг болалар врачи Роза Усмонова «Юқумли ичак касаллиги ва унинг олдини олиш» деган мавзуда суҳбат ўтказди. Хотин-қизларнинг дала шароитида ишлаш жараёнида шахсий гигиенага риоя қилиш юзасидан саволларига гинеколог врач Ираида Кулишкова жавоб берди.

Йиғилиш сўнггида район маданият уйи кошида ташкил топган «Наврўзи ажам» ансамбли иштирокида концерт программаси намойиш этилди. Кўчма савдо ташкил қилинди.

Қ. АШИРМАТОВА.

КОЛХОЗДА САНАТОРИЙ

КАЛИНИН. Куйбишев номли колхоз аъзолари ҳадемай ўз санаторийсига эга бўладилар. Хўжаликда барча қулайликларга эга 20 ўринли дам олиш маскани бунёд этилмоқда. Санаторий қурилишини райондаги 57-кўчма механизациялаштириш колонна бунёдкорлари бажармоқдалар.

К. ОРИФХОНОВ.

ГАЗЕТА СОВРИНИ

ЧИНОЗ. Район «Ленин байроғи» газетаси совриниучун физкультура коллективлари, колхоз-совхозлар ва ташкилотлар футбол командаларининг турнири ўтказилди. Мусобақада муваффақиятли қатнашган Охунбобоев номли колхоз, «Партия XXIV съезди» совхози ҳамда район темирйўл депосининг «Локомотив» командалари футболчилари фахрли ўринларни эгаллашди.

Ғолибларга газета совринивадипломлари топширилди.

Ш. ТОШМАТОВ.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ХИЗМАТИДА

КОММУНИСТИК. «Политотдел» колхози почтальони Ҳожира Холмуҳаммедовани шу кунларда дала йўлларида учратасиз. У мўл ҳосил учун курашаётган меҳнаткашларга қулайлик туғдириш мақсадида кундалик матбуот нашрларини дала шийпонига етказиб бермоқда. Сергайрат почтальон бўш вақтларида ҳосил парваришида ҳамкишлоқларига яқиндан кўмаклашмоқда.

М. ҲАСАНОВА.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МЕҲНАТ БЎЛИМИ

Қозоғистон ССРнинг Тўрғай области қўриқ совхозлари ва колхозларида қишлоқ хўжалигида ишлаш учун

ОИЛАЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

У ерга бориб ишлаш иштиёқида бўлган оилалар квартира, уй-жой, бир йўла пул нафақаси, манзилга етиб боргунга қадар бепул йўл ҳақи ва бошқа имтиёзлар билан таъминланадилар.

В. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига, Тошкент тўқимачилик комбинатига, қурилиш ихтисослиги бўлган мутахассислар РСФСР ва Қозоғистон ССР корхоналари ва қурилишларига

ИШЧИЛАР.

УЮШГАН ҲОЛДА ЮБОРИЛАДИЛАР

Ишчиларни юбориш сешанба ва пайшанба кунлари ташкил этилади.

Маълумотлар олиш учун мурожаат этилсин: Тошкент области шаҳарлари ва районларида ижроия комитетларнинг меҳнат бўйича вакилларига ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига, Тошкент шаҳрида — Привокзальная кўчаси 30-уй.

155-ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

узоқ масофаларга қатновчи пассажир вагонларини проводниги. Ўқиш муддати — бир йил. Ўрта маълумотга эга бўлган 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади. Ўқувчиларга ётоқхона берилмайди.

Машинада қолиплаш учун қолипловчи. Ўқиш муддати—бир йил, 8—10 синф маълумотига эга бўлган 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади, уларга ойига қуйидаги ҳажмда стипендия берилади. 8 синф маълумотига эга бўлганлар учун—30 сўм. 10 синф маълумотига эга бўлганлар учун—70 сўм. Ётоқхона берилади;

токарь-универсал. 10 синф ҳажмида маълумотли 17,5 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади, уларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади;

тепловоз машинисти ва рефрижераторли поездлар механиги. 10 синф ҳажмида маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади, уларга ойига 30 сўмдан, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган кишилар учун—72 сўмдан стипендия берилади. Ўқиш муддати—бир ярим йил;

тепловоз машинисти ёрдамчиси, тепловоз механика қисми ремонти бўйича слесарь, электр-газ пайвандловчилар, тепловоз электр қисми ремонти бўйича слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, совутиш қурилмалари ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати—3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-кечак, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини билан таъминланади. Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга диплом берилади, аълочилар эса олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юрти битирувчилари темир йўл транспорти ходимларининг барча имтиёзларидан, шу жумладан Совет Иттифоқининг исталган пунктига темир йўл транспортида бепул бориб келиш имкониятидан фойдаланадилар.

Ўқишга киручилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза, таржиман ҳоли, тугилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, ота-оналарининг иш жойидан справка, турар-жойдан справка, характеристика, 8 дона фотосурат.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Черняков кўчаси, 12-уй, (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)

ТРОЛЛЕЙБУСЛАРНИНГ ҲАЙДОВЧИСИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5 ОЙ.

Ўқиш вақтида курсантларга ҳар ойда 70 сўм миқдорида стипендия берилади.

Курсантлар, сўнгра ҳайдовчилар шаҳар трамвай ва троллейбусларида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бошқа шаҳарлардан келган ёлғиз кишиларга депо яқинида жойлашган ётоқхонадан жой берилади.

Курсантлар ва ҳайдовчилар тўла таннархининг 50 процентини тўлаш йўли билан формали уст-кийим билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНИШИ БИЛАН БОШЛАНАДИ.

«ИЛҲОМ»ГА ИЛҲОМ БАҒИШЛАБ

Оҳангарон район маданият уйида адабиёт мухлислари ва район газетаси қошидаги «Илҳом» ижодкор ёшлар клуби қатнашчиларининг таниқли ўзбек адиблари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Ҳамза номли республика Давлат мукофоти лауреати Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Гулчеҳра Нуриллаева, шоирлар Тўлқин, Анвар Ҳожи, Нодира Рашидовалар ўз асарларидан намуналар ўқиб беришди ҳамда ижодий режалари билан ўртоқлашдилар.

А. МАҲКАМОВ.

ДЎСТЛИК КАЛИТЛАРИ

Москва шаҳар партия комитети ва Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг ташаббуси билан москвалик қурувчилар томонидан «Дўстлик» квартали барпо этилмоқда. Ҳозиринг ўзида 20 қаватли уйнинг иккитасида тошкентликларнинг 150 оиласи уй тўйларини ўтказишди. Яқинда яна бир комплекснинг навбатдаги — учинчиси калитлари бахтли оилаларга топширилди.

Тошкентнинг шимолий-шарқ томонида қад кўтарган бу осмонўпар бинолар район кўркига-кўрк қўшмоқда.

Ана шу кўркам бинолар ва уларнинг пастки қисмига жойлашган «Китоблар уйи» қуриб битказилиш арафасида. Уйнинг ер ости қисмида эса шу ерда истиқомат қилаётганлар учун гараж қурилади. Яқинда «Дўстлик» микрорайонида болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

Курск ёйидаги жангнинг 40 йиллиги

МЕНИНГ ҚУРОЛДОШЛАРИМ

Биз бундай ҳаяжонли дақиқаларнинг кўп марта гувоҳи бўлганмиз. Ҳар қадамда фронт ортида меҳнат қилаётган ота-оналар, ёр-биродарларимиз далдасини ҳис этганмиз.

Қаҳратонда музлаган окоп ичида совуқ емаганимиз боиси ҳам шундан эмасми?.. Ўшанда жундан тўқилган пайпоқ, иссиқ кийим, майиз, туршак, талқон, қурт, холва... нималар юборишмаган дейсиз, улар. Лекин биз учун энг муҳими — улар меҳр-муҳаббатларини, ишонч-даъватларини ҳам этиб юборишганидир. Шу ишонч, шу умид қалбимизда душманга нафрат уйғотар, қасос туйғусини авж олдирар эди.

Икки кун дам олишдан сўнг Обоян шаҳрини озод қилиш учун ҳужумга отландик. Йўл-йўлакай Прохоровка йўналишидаги душман пиёдаларини қириб ташладик.

5 август куни Курск операцияси муваффақият билан тугалланди. Орёл, Курск, Белгород шаҳарлари душмандан озод қилинди. Бу ғалаба шарафига Олий Бош қўмондонлик буйруғига биноан Москвада биринчи марта салют берилди.

Мана шу тарихда номи қолган жанг қатнашчилари қаторида йўлимиз оғир ва машаққатли эди. Кечаси тиним билмай йўл босамиз, кундузи эса дам олиш қайда, машқ ўтказиш учун узундан-узоқ айланма траншеялар қазиймиз. Шу тариқа бир қанча километр масофани босиб, Курск яқинида мудофаа позициясини эгалладик.

5 июль куни тонг саҳарда минглаб тўпларимиз, миномётларимиз, катюшаларимизнинг овози ер юзини ларзага келтирди. Самолётларимиз эса самода чарх уриб душманга даҳшат сола бошлади.

Артиллерия тайёргарлигидан сўнг фронт бўйлаб ялпи ҳужум бошланди. Танклар ортидан пиёда аскарлар ҳужумга ўтишди.

— Олға! — дейди командир қатъият билан.

— Олға! — дейди дилдан такрорлаб ҳар бир солдат.

Сап-сариқ бугдойзорлар оралаб олға интиламиз. Дақиқа сайин қирувчи самолётларимиз, катюшаларимиз етказган талофатни ҳис этиб боряпмиз. Оёқ остимизда ловиллаб ёнаётган снарядлар, ҳар қадамда душман жасади, парча-парча бўлиб кетган тўплар, аланғаси осмонга ўрлаётган машиналар, жангга кира олмай яксон этилган танклар...

Душман жанг маромини қайта-қайта янги куч ташлаб, қандай қилиб бўлмасин ҳужумимизни тўхтатмоқчи бўларди. Йигитларимиз эса ўлим билан юзма-юз чиқиб, фақат олға қадам ташлашади. Улар сафига янги кучлар келиб қўшилишмоқда, қурол-яроғлар етказиб берилмоқда.

Бир неча дақиқали дам олиш пайтида бизга яқин жойда жанг қилаётган ҳамқишлоқларимиз билан учрашиб, суҳбатлашишга ҳам улгурдик. Уйдан келган хат-хабарларни кўзга суртиб қайта-қайта ўқидик. Сўнгра Сибирдан, Ўзбекистондан келган совға-саломларни ола бошладик. Совға яшикларига ҳам, улар ичидаги хатда ҳам «Энг жасоратли жангчига!» деб ёзилган меҳр изҳори она сўзидек қалбимизни ўзига ром этади.

Ўзбек ўғлонлари орасида ўзбек ўғлонлари ҳам кўпчиликни ташкил қиларди. Мен ҳозир ҳам шу жангларда бирга бўлган қуролдошларим билан тез-тез учрашиб турраман. Тошкентлик Иоффе бизнинг батальонимизда медицина қисмининг врачи эди. Ҳозир тажрибали шифокор. Урушдан кейин Тошкент медицина институтини тугатди, узоқ йиллардан буён терапевт бўлиб ишлаяпти.

Ҳамқишлоғим Сотиболди Пирматовни кўрганимда уни снарядлар ёмғири остида қолиб кетгани эсимга тушади. Дўстимни госпиталга етказиб келишди. Операция вақтида танасидан 10 дан ортиқ чўян парчалари олиб ташланди, кейин икки оёқсиз Тошкентга жўнатилди. Бугунги кунда у «Политотдел» колхозида «Коммунизм» бўлими партия ташкилотининг секретари.

Қиндирбой Мирзалиев, Қодиров, яна ўнлаб, юзлаб Курскда жанг қилган ҳамюртларимни учратганимда кўзларимга ишонмайман. Уларни ўша кезларда жанг майдонидан жонсиз олиб чиқишган эди. Ҳозир эса барча билан баравар меҳнат қиляптилар. Қўша-қўша фарзандлари, невара-чевараларига атрофларида парвона.

Курск ёйи жангида биз билан ёнма-ён жанг қилиб урушдан кейин Курск, Белгород шаҳарларида турмуш қуриб, бола-чақали бўлиб қолганлар ҳам бор. Сайдулла Исҳоқов Белгород областидаги совхозлардан бирида бўлим бошқарувчиси. Яна бир дўстим Белгород шаҳар автобус паркида, бири эса шаҳар касалхонасида ишлайди.

Булар ўша шиддатли жангларнинг жонли шоҳидлари бўлган қуролдошларим. Улар билан 40 йилдан бери борди-келди қиламан. Ҳалок бўлганлар хотираси ёдимиздан чиқмайди... Уларнинг Курск, Белгород, Орёл шаҳарларидаги қабрларини зиёрат қилгани тез-тез бориб турамиз. Бу сукунат даргоҳига мактаб ўқувчилари, шаҳар меҳнаткашлари, турли жойлардан зиёратчилар келиб турадилар.

Эл озодлиги йўлида жон қурбон қилганлар ҳеч қачон унутилмайди. Назаримда ана шу жангларда тирик қолганлар қуролдошлари учун ҳам яшаётгандай, ишлаётгандек туюлади.

Раҳматулла ИСҲОҚОВ,
истеъфодаги капитан.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

«АЛЛОМАЛАР ИБРАТИ»

СЎНГГИ йиллар ўзбек фольклоршунослигида қўлга киритилган ютуқлардан бири тадқиқотчи олимлар томонидан ўлкамизнинг қатор район ва қишлоқларини кезиб, тўпланган фольклор дурдоналарининг системали ва изчил равишда нашр этилиб, халққа етказиб беришда намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан аввалги йили китобхонлар «Ўзбек халқ мақоллари»нинг янги нашрини қўлларига олиб хушнуд бўлган эдилар. Яқинда эса таниқли ўзбек фольклоршуноси, филология фанлари доктори, профессор Малик Муродовнинг халқ афсона-новеллаларидан сараланган **«Алломалар ибрати»** (Алломалар ва шоирлар ҳақидаги халқ афсона ва ривоятлари. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи М. Муродов, «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент) номли рисоласи китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинди.

Ўтмишда яшаган тарихий шахслар — халқ севган шоир ва олимлар тўғрисидаги ибратомуз афсона-новеллаларни тўплаш, уларни китоб ҳолида нашр эттиришга муваффақ бўлганлиги учун, аввало муаллифни табриклаш керак. Чунки халқнинг буюк илм-маърифат, санъат аҳлларига нисбатан хайрихоҳлигини ифода этувчи минглаб оғзаки афсона-новеллаларни сақлаб қолиш ва уларни келгуси авлодларга етказишдек улуғ вазифани адо этиш, энг аввало, халқимизнинг асл фарзандлари Ибн Сино, Беруний, Фаробий, Алишер Навоий, Бобур сингари олиму фозилларга ҳақидаги мавжуд фикрларни тўлдириб, уларнинг шахсий фазилатларини кенгроқ ёритиб беришга ҳизмат қилса, шу билан бирга бу фольклор асарлари ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Китоб муаллифининг фикрича, «Алломалар ибрати»га кирган афсона-новеллалар ўзи томонидан чорак аср давомида ёзиб олинган материаллар асосида вужудга келган. Шуни таъкидлаш лозимки, бу китобдаги афсона-новеллалар фақат узоқ ўтмишда яшаган Ўрта Осиёнинг илм-фан арбоблари, шоир ва бахшилари тўғрисида бўлиб, Совет ҳокимияти даврида яратилган ибратомуз афсоналар киритилмаган. Бизнингча, бу толмас фольклоршунос олим архивида ёки Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими архивида тўпланган материаллар орасида Ҳамза, А. Қодирий, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, Шайхзода ҳамда ўзбек совет санъатининг кўплаб вакиллари тўғрисидаги афсона-новеллалар бор. Агар совет даври афсона-новеллалари ҳам мана шундай рисола сифатида чоп этилса, жуда муҳим аҳамиятга молик иш бўлур эди. Чунки ҳозирги пайтда ўзбек совет адабиёти ва санъатининг катта авлод вакиллари билан бирга ишлаган ёки устоз ва шогирд муносабатида бўлган кекса кишилар яшамоқда. Шунинг учун улар бисотида йиғилиб қолган ибратли воқеа-новеллаларни ёзиб олиш ва фольклоршунослик илмининг ўзига хос қоидаларига мослаган ҳолда нашр этиш фақат фойдали бўлур эди.

Ана шу нуқтаи назардан Малик Муродовнинг ибратли афсона-новеллаларини ўзбек фольклоршунослиги келгусида қилиши керак бўлган ишларнинг дебочаси деса бўлади. Шу пайтгача бу толмас олим афсона ва ривоятларга бурканган новеллаларни бир неча йиллар мобайнида республикамиз вақтли матбуоти орқали эълон қилиб борди. Айниқса, ўсиб келаётган авлод тарбияси учун фольклор материалларидан қандай фойдаланиш лозимлиги «Гулхан» журнали саҳифаларидаги 1981 йил «Одобнома», 1982 йил «Одатнома»га олим томонидан тайёрлаб берилган ибратли афсона ва ривоятлар, ҳикоя, мақол ва маталлар таҳсинга сазовордир.

Фольклор жонкуяри Малик Муродовнинг кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинган «Алломалар ибрати» номли афсона-новеллалар китоби ўзбек фольклоршунослигида эътиборга молик воқеа бўлиб, у ўқувчилар томонидан зўр қизиқиш билан қарши олинаётганлигига шак-шубҳа йўқ.

Т. АШУРОВ,
филология фанлари кандидати.

С. АЛИМОВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг ўқитувчиси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

СПОРТ

СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

● ШАХМАТ. Ўзбекистон вакиллари «Б» группасида қатнашмоқдалар. Шахматчиларимиз Москва командаси билан бўлган учрашувда 1,5:3,5 ҳисобида [уч ўйин кечиктирилди] ютқазиб турибдилар.

● ФУТБОЛ. VIII ёзги Спартакиаданинг саралаш учрашувлари Тула, Рязань, Иваново ва Москва шаҳарларида ўтади. Тулада дастлабки ўйинлар бўлди. Буларда қуйидаги натижалар қайд этилди. Эстония—Туркманистон — 1:2, Латвия—Литва — 2:0. Ўзбекистон футболчилари Рязанда бугун Украина командаси билан ўйнайдилар.

● ВЕЛОСПОРТ. Спартакиада программаси асосида беллашаётган қатнашчилар 11 ва 12 босқичларга ҳам якун ясадилар. 141 километрлик 11 босқичда областимиз вакили Ж. Абдужабборов маррага иккинчи бўлиб келди. 12 босқичдан сўнг бу пойгачи шахсий ҳисобда 6-ўринни эгаллаб турибди.

● ЭШКАК ЭШИШ. Москвада эшкак эшувчилар мусобақаси давом этмоқда. 1000 метрга икки кишилик аёллар бахсида Н. Коволенко билан Л. Пидопригоралар 3 минут 40,13 секунд натижа кўрсатиб 4-ўринни олишди.

● ҚЎЛ ТЎПИ. Ўзбекистон аёллар командаси Грузия вакилларини 28:20 ҳисобида енгиб, финал саккизликкка кирдилар.

Эркаклар командамиз эса умумий 9—12 ўринлар учун курашадиган бўлди.

САФАРДА МАҒЛУБИЯТ

● Футбол бўйича олий лига командаларининг навбатдаги 21-тур ўринларини пойтахтнинг Марказий армия спорт клуби ва Харьковнинг «Металлист» командалари бошлаб беришди. Бу учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Ўтган куни эса «Пахтакор» сафарда «Нистру» билан ўйнади. Майдон эгалари 2:0 ҳисобида устун келдилар. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Торпедо» [Москва] — «Динамо» [Киев] — 2:1, «Жальгирис» — «Арарат» — 2:1, «Динамо» [Минск] — «Торпедо» [Кутаиси] — 3:1, «Шахтёр» — «Динамо» [Тбилиси] — 6:3, «Днепр»—«Нефтчи» — 1:0, «Черноморец» — «Зенит» — 2:0.

26 очко тўплаган «Черноморец» пешқадамлик қилмоқда.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон коммунистик партияси Тошкент область комитети ва халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р 03026 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б—1644 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40—Спорт ахбороти. 9.55 — Мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 10.40 — Концерт. 11.40—«Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Горнчилар, қаердасизлар». 16.50 — Болалар учун фильм. «Йўрға Мустанг». 18.00 — «Стадион ҳамма учун». 18.30 — «Партия ҳақида ҳикоялар». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Фан ва турмуш». 20.00 —Концерт. 20.25 — «Қадрдон уй ҳарорати». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 — «Время». 22.05 —Ҳужжатли фильм премьераси. 23.15 — «Дунё воқеалари». 23.30 — Спорт ахбороти.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 9.50 — «Мен севган киши». Бадиий фильм. 11.20—«Оддий мўъжизалар». 11.50 — Немис тили. 12.20 — «Шеър ўқиб». 12.50 — Спорт ахбороти. 13.10 — «Барабанчининг тақдири». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 14.15 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 14.45 — «Бил ва удала». 15.30 — «Ёшлар адреслари». 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Волейбол бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. Хотин-қизлар. СССР—Япония терма командалари. 19.30 — «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Сиз бунга қодирсиз». 21.30 — «Время». 22.05 — «Хайрли соатда». Бадиий фильм.

УзТВ-I. 12.35 — «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга». 13.20 — Концерт. 13.50 — Илмий-оммабоп программа. 14.20 — «Шиддат». Бадиий фильм. 18.30 — «Қувноқ пионер ёзи». 19.00 — «Турмуш ва маданият». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Кўғирчоқ фильм. 20.00 — «Амалдаги интернационализм». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Манзарали фильм. 21.00 —Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бугун оламда нима гап?». 22.25 — «Ўжар Кура» Бадиий фильм. 2-серия. 23.50 — Янгиликлар.